



**АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР  
АЛ-БУХОРИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛҚ  
ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ВА ИСЛОМ  
ФАЛСАФАСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ ЯРАТИШДАГИ ЎРНИ ВА  
АҲАМИЯТИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**ТЎПЛАМИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ  
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА  
КАФЕДРАСИ**

**“ШАРҚ ТИЛЛАРИ ТАЪЛИМИ ВА БУХОРИЙЛАР МЕРОСИНИ  
ЎРГАНИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ”  
МАРКАЗИ**

**“АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ  
МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛҚ ШАРҚ  
РЕНЕССАНСИ ҲАМДА ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ  
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИШДАГИ  
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН  
ТЎПЛАМИ**

**2022 йил 16-17 июнь**

**Бухорои шариф – 2022**

Аҳмад ибн Ҳафс Кабир ал-Бухорий мероси ва унинг илк Шарқ ренессанси ва Ислом фалсафаси илмий-назарий асослари яратишдаги ўрни ва аҳамияти / халқаро илмий-амалий анжуман тўплами. 16-17 июнь 2022 йил.

### **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Бобир Бахриевич НАМОЗОВ** – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент.

**Ҳакима Юсуповна САЛОМОВА** – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.

**Абдуҳаким Зиёитдинович ШАРИПОВ** – Бухоро давлат университети ҳузуридаги Педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси мудир, фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент.

**Ҳусен Хайруллоевич ДЖУРАЕВ** – Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

**Зубайдилло Ибодиллаевич НАРЗИЕВ** – Бухоро давлат университети Сиртқи таълим йўналиши декани, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

### **Ҳурматли мақола ва тезис муаллифлари!**

Тўпламга киритилган мақолаларнинг савияси ва камчиликлари, плагиат учун муаллифларнинг ўзи масъул ҳисобланишини эслатамиз.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 2 мартдаги 101-Ф-сон фармойишига асосида  
ўтказилмоқда.

работе и пропаганде знаний среди населения г.Бухары. Волонтерами проведена колоссальная работа среди жителей 65-ти махаллей г.Бухары, проведены беседы, лекции о жизни и деятельности Абу Хафса Кабира Бухари и безвозмездно розданы сборники научно-познавательных статей «Абу Хафс Кабир Бухари -Святой Имам.Наставник учёных в Мавераннахре», опубликованные в рамках гранта.

В ходе работы волонтерами было выявлено: структура управления кладбищ и святых мест г.Бухары унитарна. Общее руководство осуществляет Бухарский городской Хокимият. Текущее руководство ведёт отдел по благоустройству кладбищ и святых мест г. Бухаре. В введение городского отдела по благоустройству кладбищ и святых мест г. Бухары входят 41 кладбище, в том числе и кладбище Хазрати Имам и мазар. Один из контролёров закреплён за кладбищем Хазрати Имам; Городской отдел по благоустройству кладбищ и святых мест при Управлении по благоустройству г. Бухары подготовил карту кладбища и мазара Хазрати Имам; В соответствии с распоряжением хокима г.Бухары от 8 февраля 2021г. № 36-Ф SON, с марта 2021г. начались реставрационные работы аварийного купола (гумбоз) современной Жума мечети (XXв.), реставрационные работы ведутся по сегодняшний день.

В ходе работы гранта была проделана следующая работа: в связи с поднятием грунтовых вод и из-за засыпки коллекторов, что было выявлено в результате работы волонтеров, были проведены очистительные работы и рекомендовано установить три насоса вертикального дренажа; произвести оцифровку кладбища (инвентаризацию Хазрати Имам); открыть расчетный счет для привлечения материальных и финансовых средств граждан, за рубежом и в Республике Узбекистан меценатов для благоустройства кладбища; построить рядом с южными воротами тахорат -хону, хожат-хону и т.д.; ускорить реставрацию мечети, хонако и медресе (указанные объекты являются архитектурными памятниками (XVIв.) и находятся под государственной охраной).

Таким образом, деятельность ННО в деле благоустройства, социального партнёрства, сохранения исторического и культурного наследия, а так же в воспитании духовно и гармонично развитой молодежи, с сильным идеологическим иммунитетом на сегодняшний день имеет значение в формировании гражданского общества.

#### ЛИТЕРАТУРА:

1. www.idmedina.ru Роберт Альмеев, Бахтияр Бабаджанов. Каменная летопись мазара Хазрат-и Имама.// Ислам в Содружестве Независимых Государств № 1(2)' 2011. 06.06.2011.
2. www.idmedina.ru Роберт Альмеев. Святые места Бухары. Мазар Хазрати Имам. 22.06.2016.
3. Комилжон Рахимов. Абу Хафс Кабир Бухари – великий богослов исламского мира и история возникновения кладбища Хазрати Имама».
4. Нарзулла Йўлдошев. Хожат Барор Имом Абу Хафз Кабир Бухорий. Бухоро. 1994. - 41б.

### ИБН ХАЛДУННИНГ ИЛМИЙ - ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Азиза Тошмуродовна ҚАЙУМОВА

*Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбаишунослиги, фалсафа” кафедраси доценти, социалогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

*“Шарқ тиллари таълими ва бухорийлар меросини ўрганиш” илмий-тадқиқот маркази аъзоси.*

**Аннотация:** Мазкур мақолада кейинчалик гуманитар фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган буюк араб мутафаккири Ибн Халдуннинг илмий-фалсафий мероси ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** социология, Ибн Халдун, зоҳирий, ботиний, тужорлар, афсона ва ривоятлар, “рационал”, ақл-тафаккур, “улму ақлия”.

**Аннотация:** В этой статье рассматривается научно-философское наследие великого арабского мыслителя Ибн Халдуна, который в последствии внес огромный вклад в развитии гуманитарных наук.

**Ключевые слова:** социология, Ибн Хальдун, внешнее, внутреннее, купцы, мифы и легенды, «рациональное», разум, «наука».

**Annotation:** This article discusses the scientific and philosophical heritage of the great Arab thinker Ibn Khaldun, who later made a huge contribution to the development of the humanities.

**Key words:** sociology, Ibn Khaldun, external, internal, merchants, myths and legends, "rational", reason, "science".

Ибн Халдуннинг ижтимоий жараёнларни ўрганувчи гуманитар фанлар олдидаги хизмати ўз даври ижтимоий ҳаётини характерловчи асосий тенденцияларни ўрганиш зарурлиги ғоясини асослаб бергани билан характерланади. Унинг ижтимоий фанлар, хусусан тарих илми орқали ҳаётдаги мураккаб жараёнларни ўрганиш масаласида билдирган фикри диққатга сазовор. Мутафаккир тарихий жараёнлардаги барча ўзгаришларни тизимли ўрганиш муҳим, деб ҳисоблайди. У ўзидан аввалги тарихчиларни воқеликдаги ўзгаришларга сабаб бўлувчи объектив ва субъектив жиҳатларни ҳисобга олмай, ижтимоий ҳодисаларни баҳолашда холис ёндашмаганликда айблаган. Унинг фикрича, ижтимоий жараёнларни тасниф этувчи олим, муайян киши исмлари, уларнинг мол-мулки, ҳукуматдаги мавқеини санаб ўтиш билангина чегараланиши мумкин эмас. Аксинча, ҳар қандай тадқиқотчи муҳим тарихий жараёнлар таҳлилида холис бўлиш учун муайян давлатнинг тараққиёт босқичига асосий эътиборини қаратиши шарт, деб ҳисоблаган.

Тарих - бу шундай илмлар сирасига кирадики, — дейди Ибн Халдун, уни халқлар ва қабилалар бир бирларидан ўрганиб, уни тарқатишга ҳаракат қиладилар, уни оддий фуқародан тоғиб, тужжорларгача қизиқиб ўқийдилар, уни эгаллашда ҳукмдорлар ва саркардалар беллашадилар, уни тушунишда олимлар ва жоҳиллар тенглашишга ҳаракат қилганлар. “Зоҳирий жиҳатдан эса тарих, бу — ривоят, афсона ва мақолларда акс этган воқеа-ҳодисалар, давлатларнинг ўтмиш авлодлари ҳақидаги муҳим маълумотлардир. Одамлар жамоа бўлишиб, бу маълумотлар билан бир-бирларига инсонларнинг қилган ишларидан, уларнинг яшаш тарзларининг ўзгариб туришидан, давлатлар, чегаралари ва фаолият доираларининг кенгайишидан, одамларнинг ерда ҳаёт қуриб, умрларининг охирига қадар яшашларидан хабар берганлар. Ботиний жиҳатдан эса, тарих бу - тадқиқот, ҳақиқатни тиклаш, жамийки нарсаларнинг асоси ва ибтидосини аниқлаш, ҳодисалар моҳиятини ўрганишдир”.

Шунинг учун мутафаккир тарихни ижтимоий фанларнинг асоси сифатида муносиб ўрин олишини қатъий таъкидлаган. Ибн Халдун етук мусулмон муаррихлари аҳамиятга молик бўлган воқеа ҳодисаларни жамлаб, китобларга ёзиб қолдирганини баён қилишда тарих билан юзаки шуғулланувчи олимлар эса бу воқеаларга афсоналарни қўшиб, ўзларининг тасаввур ва ғояларига эрк бериб, уларни ёлғон хабарларга айлантириб қўйганликда айблаган. Улар фақат эшитганларини ёзиб, воқеа ва шарт-шароитларнинг сабабларига эътибор беришмайди, далиллар излаб топишга ҳаракат ҳам қилишмайди, - деб қайд этган Ибн Халдун. У халқ ҳаётидаги воқеликлар ва трансформациялашув жараёнларни таснифлаб, улардаги муҳимлик ва аҳамиятига кўра, уни тартиблаштириб кўрсатишга интилган. Хусусан, кишиларнинг қишлоқдан шаҳар ҳаётига ўтиши; оила авлодининг тўрт маротаба алмашинуви; давлатнинг вужудга келиши ва унинг тараққиёти; халифаликнинг подшоҳликка эволюцион тарзда ўтиши ва бошқарувнинг трансформациялашуви кабилардир.

Мутафаккир тарихий ўзгаришларнинг ўзига хос такрорланувчанлик хусусиятини илмий асослаб, янгилик ҳамма вақт ўзида эскилик унсурларини сақлаб қолади деб ҳисоблайди. Ўзгаришларнинг қайси йўналишда бўлиб ўтиши, бўлаётган воқеа ҳодисалар табиати билан аниқланади. Ибн Халдун “ҳодисалар табиати” деганда уларнинг ички амал

қилиш қонуниятларини назарда тутган. Ўрта аср илоҳиётчиларининг фикрича, оламда Аллоҳнинг эркин иродаси ҳукмронлик қилади. У ўз хоҳиш ва истагига мувофиқ воқеликлар йўналиши ва жараёнларни ҳодисалар йўналишини ўзгартиради. Ибн Халдун фикрича, тарихий ривожланишлар мазмун моҳиятини даврга хос бўлган ички ва ташқи омиллар ҳаракатлари белгилайди. Ўз навбатида, тарихий ривожланишлар умумий ва табиий қонуниятлар, унинг сабаби ва тамойилларига бўйсунди.

Ибн Халдуннинг тарихга доир ижтимоий таълимотининг социологик моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир нарса тарихда ўз ички амал қилиш қонуниятларига асосланиб, барча даврлар тарихи ўзига хос одатдаги табиатига эга;
2. Ҳодисалар ривожи муайян белгиланган тартиблар ва тамойилларга бўйсунди;
3. Ҳодисалар кетма-кетлигида ўзаро мантиқий боғлиқлик амал қилади ва улар сабаб-оқибат заруриятидан келиб чиқади.

Табиат устидан ҳукмронлик қилиш мазкур қонуниятнинг ўзагини ташкил этади. Ибн Халдун қарашларида табиат устидан ҳукмронлик қилиш ғояси устувор ҳисобланади. “Бутун оламда, - дейди у, қаттиқ ва қатъий тартиб ҳукмронлик қилади. Уларнинг бари, бир занжирга тизилган, худди сабаб ва оқибат сингари”. Мутафаккир таълимотида ўз даврининг ижтимоий ҳаёти, кишилиқ жамиятининг келиб чиқиши, унинг таракқиёт қонуниятлари, инсониятнинг оддий ҳолатдан, мураккаб шароитга ўтиши каби масалалар таҳлили муҳим ўрин тутган.

Ибн Халдун олам ва одам билан боғлиқ ижтимоий воқелиқ моҳиятини билишга бағишланган илмий тадқиқотлари кўламига кўра, Ибн Синодан кейинги ўринда турадиган мутафаккир ҳисобланади. Ҳар бир нарса ҳодисага реалистик тарзда ақл ва тафаккур андозаси, ўлчови билан ёндашиши унинг билиш усулининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Бундан ташқари «Муқаддима» китобида воқелиқни «рационал», яъни ақл тафаккур кучи билан билиб олиш усулини ижтимоий ҳодисалар жараёнларни таҳлил этишга қаратилишини уқтиради. Асарнинг «Уламоларнинг ўзгаларга қараганда, кўпроқ сиёсатда ва турли йўналишлардан орқада қолиши тўғрисида», деб номланган бобида, бундай уламоларни мавҳум, нодақиқ фикрлашда айблайди.

“Улар, — деб қайд этган мутафаккир, — умумий ва ўзларига қулай тушунчалар билан фикрлайдилар, улар дақиқ нарса ва ҳодисаларга ёки аниқ бир ижтимоий табақа жамоа, муайян ижтимоий қатламга тааллуқли хусусий томонларни эътиборга олишмайди, кейинчалик эса мазкур умумий воқелиққа бу қавмлар, гуруҳларни сунъий умумлаштирадилар, қўшимча қилиб шарҳлайдилар. Мана шунинг ўзи уларни ҳаётдан, ажралиб қолганлигини, содир бўлиб турадиган ҳодиса ва жараёнларни тушунмасликлари, олиб келади. Зероки, ижтимоий воқелиқ ўзгаришлари билан шуғулланиш олимдан ҳамиша ҳақиқатни англаш ва уни ҳолис баҳолашни талаб этади. Мазкур ёндашув ўша давр уламоларини, боши берк ҳолатга тушириб қўйган. Натижада улар воқелиқ шарҳини Қуръон оятлари ва Сунна ҳукмларига зўрлаб мослаштиришга интилишган. Мутафаккир уларнинг мазкур талқинли ёндашувчиларга “улуми ақлия” билан шуғулланувчиларни қарама-қарши қўяди. Бинобарин, ҳаққоний олимларни фикр-билимлари воқелиқдаги ҳақиқатни ҳолис ифода этиши шубҳасиз.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. С. Issawi. Ibn Khaldun. An arab philosophy of history. Selection from Prolegomena of Ibn Khaldun of Tunis. –London, 1950, pp. 83-84;
2. W.Fischel, Ibn Khaldun and Timur" in Actes du XXI' Congres International des Orientalistes, –Paris, 1949, pp. 286-87
3. Бартольд В.В. Ислам и культура мусульманства, –М.: МГТУ, 1992, –С. 54;
4. Беляев Е. Историко-социологическая теория Ибн Хальдуна, –М.: “Историк-марксист”, 1940, № 4-5, –С. 79-80;
5. Крачковский И.Ю. Арабская литература в XX в., –Санкт-Петербург: “ЛГУ”, 1946, –С. 28;

Жўраева Ш.	Глобал экологик таҳдид шароитида инсон ва табиат муаммоси.	152
Numanov I.I.	Imom al-Buxoriy merosi – sohilsiz dengiz	156
Karimova L.I.	O'rta osiyolik buyuk allomalarning hadis ilmiga qo'shgan hissasi	159
Muzaffarova I.T.	Imom Buxoriy – hadis ilmining buyuk bilimdoni,	162
Hamdamov F.S.	E'tiqodga baxshida umr.	164
Adilov Z.Y.	Imom al-Buxoriy hadislarida tabiat va inson masalalari	166
Сапайев В.О.	Инсон онги ва тафаккури миллий ғояни тарғиб қилиш тизимининг муҳим омили.	169
Суюнов Ш.Б.	Ўзбек тилининг тадрижий ривож	172
Шодиев Р.Т., Раббимова Ф.Ш.	Футувват таълимоти ғарб ва шарқ олимлари талқинида	176
Рахмонов С.М.	Яъқуб Чархий асарларида Жалолоддин Румий тавсифи (рисолаи унсия мисолида).	179
Қаюмова А.	Ибн Халдун социологик қарашларида ижтимоий муҳит омилининг таъсири	182
Ғуломов А.Б.	Шарқ мутафаккири Форобийнинг илм-фанга қўшган хиссаси	184
Қамбаров А.А.	Мовароуннахрда фанларнинг ривожланиш масаласига доир	187
Ҳамдамов И.А.	Хожа Аҳрор Валий темурийлар маънавий йўлбошчиси.	189
Тўйев Ф.Э.	Бухоро вилоятининг демографик динамикаси тарихидан (1991-2021 йиллар)	192
Ғуломов А.Б.	Ўрта Осиё илм-фани ва маданияти ривожланишида Мирзо Улуғбекнинг ўрни масаласига доир	194
Asatulloev A.	The Role Of Al-Islah Magazine In The Socio-Ethical Views Of Abdurahman Tashkandi	197
Ғуломова М.	“Порсоия” таълимоти асосчиси	200
Шарипова О.Т. Иззатуллаева Г.Н.	Абдуҳолик Ғиждувоний – мутасаввиф ва адиб	203
Шарипова О.Т.	Хожагон Тарикати ривож.	207
Ғуломова М.	Порсо асарларида тасаввуфий мавзулар ҳақида	211
Сувонова Ж.Р.	Имом ал-Бухорий тарихидан	214
Тўраева Г.Б.	Ҳадис илмида “Амир ал-Мўминин” Муҳаммад Ибн Исмоил Бухорийнинг ҳаёт йўли	217
Аминжонов Ш.Ғ. Аҳмедова М.М.	Абу Ҳафс Кабир мадрасаси Бухородаги илк мадрасаларидан биридир	219
Джураев Ш.Ф. Халимова Х.	Исторические традиции и специфика в развитии обучения современной философии	222
Soxibova U.SH.	Xulasatul Vafa Biaxbari daril mustafa “ asarida Madina shahrining turli nomlar bilan nomlanishi.	225
Холназарова Д.М.	Талабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш механизмлари	227
Бобожонова Ф.Х. Сатторов Ш.К.	Ислом оламининг буюк фикршунос олимнинг зиёратгоҳи.	229
Норова М.Ф.	Сайфиддин Бохарзий қарашларида комил инсоннинг маънавий фазилатлари ҳақида	232
Норова М.Ф.	Сайфиддин Бохарзий Кубравия тасаввуф таълимотини ривожлантирган мутасаввиф	235
Садуллаева В.	XX аср бошларида Бухоро мадрасаларида таълим (Муҳаммад Али Балжувонийнинг “Тарихи нофеий” асари асосида)	239
Жамолова Д.М.	Маҳмудхўжа Бехбудий: ислом ва диний кадрятлар ҳақида	242
Мурадов С.А.	Фаридуддин Атторнинг фалсафий дунёқарошини очиб берган асар.	244
Азимов А.А.	Государство и права в эпоху первого ренессанса	246
Темиров Ф.У.	Садриддин Айний – Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний Бухорий ҳақида	250
Темиров Ф.У. Тўхтамуротов Ф.	Шайбонийлар даврида тарих ва манбашунослик Фанларининг ривож	253